

## МАҚОЛЛАР ВА ИДИОМАЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Умирзаков Улугбек Синдарович

СамДУ ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада фразеологик чатишма ва фразеологик бирлик учун умумий тушунча, фразеологизм ва идиомаларни фарқлаш, идиоманинг моҳияти ва паремиологияда тутган ўрнини белгилаш масаласи, фразеологизмларнинг тил ва нутқдаги ўрни.

**Калит сўзлар:** идиома, фразеологик чатишма, фразеологик бирлик, паремиологияга, кўчма маъно, идиомаларнинг таржима жараёни.

**Аннотация:** На встрече приняли участие фразеологик чатишма и фразеологик бирлик как общечеловеческий совет, фразеологизм и идиоматика, идиоматика суть и парамологизация белганской литературы.

**Ключевые слова:** Идиома, фразеологический оборот, фразеологическая единица, процесс перевода в паремиологию, переносное значение, идиомы.

**Annotation:** In this article, the general concept for phraseological chat and phraseological unit, the question of differentiation of phraseologisms and idioms, the essence of idioms and their position in paremiology, the role of phraseologisms in language and speech.

**Keywords:** Idiom, phraseological chat, phraseological unit, the process of translation into paremiology, portable meaning, idioms.

Паремиологияга оид ишларда мақол, фразеологизмлар қаторида идиома ҳам санаб ўтилади. Фразеологияга оид тадқиқотларда эса идиома ҳам фразеология таркибига киритилади. Бу эса идиомаларнинг ўзига хос табиатини очиб беришни, унинг фразеологизм ва мақолларга муносабатига ойдинлик киритишни тақозо қилади.

“Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да идиомага “**Идиома** (юн. *idioma* — ўзига хос ифода, ибора) — айн. Фразеологик чатишма[1] тарзида изоҳ берилган. Тилшуносликда идиома ҳодисасининг моҳияти[2], англатган маъно нозикликлари[3] маълум даражада ўрганилган. Тилшунос олим Е.И.Астахова идиоманинг ички тузилишини[4], С.В.Берлизон ва Н.В.Ерохина фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятларини ва тузилишини семантик нуқтаи назардан ўргандилар.[5] Бундан ташқари, идиомаларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилашда лисоний шахснинг ўрни, [6] идиоматик фразеологизмларнинг тил ва нутқдаги ўрни,[7] номинатив хусусиятлари, семантик моделлари[8], лисоний бирликлар типларининг маъно хусусиятлари[9] таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур масала бўйича олиб борилган тадқиқотларда идиомаларнинг мотивацион компонентлари ва маданиятга боғлиқлиги аниқланган.[10] Тилшуносликда олимларнинг идиомага муносабатини кўриб чиқсак, қуйидагилар маълум бўлади:

Ю.С.Масло идиома бу – фразеологик чатишма ва фразеологик бирлик учун умумий тушунча бўлиб, унинг учун биринчидан-мотивлашмаган маъноли идиомалар, иккинчидан –мотивлашган маъноли идиомалар мавжуд, деб ҳисоблайди. [11]

Е.И.Диброва ва бошқалар эса идиомаларга “барқарор маъноси сўз-компонентларга, уни ташкил қилувчиларга ажралмайдиган, гапда алоҳида сўзга эквивалент бўла оладиган (шунингдек, гап бўлаги сифатида қатнаша оладиган) структур-семантик бирлашма” сифатида қарайди. [12]

“Ҳозирги рус тили” дарслиги муаллифи П.А.Лекант “идиомалар- барқарор бирлашма бўлиб, сўз компонентлари маъноси, уни ташкил қилувчилар ажратилмайди, улар гапда сўз эквиваленти сифатида иштирок этади, деб қарайди.” [13] А.А.Смирницкий инглиз тили луғавий қатлами тўғрисида фикр юритар экан, фразеологик бирлик ва идиомани фарқлашга интилади. Мустақил тузилишга, гапда муҳим семантик яхлитликка эга хусусий сўз бирикмасига эга бўлган фразеологик бирликни идиома деб аташ мумкин бўлган идиоматик сўз бирикмасидан ажратиш лозим, деб ҳисоблайди. [14]

Н.Н.Амосова фразеологик бирликларни иккига: фраземалар ва идиомаларга ажратади.[15] М.Алексеевко уч хил сифатий ва микдорий типлар: идиомалар, фраземалар ва паремияларни ажратади.[16] Н.Р. Норрик ҳам мақолларни тўлалигича идиома ичида қарайди, чунки мақолнинг маъноси мақолнинг сўзма сўз маъносидан фарқ қилади. [17]

Тилшунос олим Б.Йўлдошев “Фразеология тарихидан лавҳалар” китобида озарбайжон тилшуноси С.Жафаровнинг “Ҳозирги замон озарбайжон тили лексикаси” номли монографияси тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. Олим С.Жафаровнинг турғун сўз бирикмалари идиомалар, иборалар, ҳикматли сўзлар, оталар сўзи ва зарбулмасаллар, деб беш гуруҳга ажратиши тўғрисида фикр юритар экан, унга ўз муносабатини ҳам билдиради. Асарда идиомалар дастлаб собит идиомалар (*беш йиллик, винтбуран, ойнабанд* каби) ва собит бўлмаган идиомалар, деб тасниф қилинади. Собит бўлмаган идиомалар эса ўз навбатида қовушма идиомалар (*кўз юммоқ, ҳаракатга келмоқ, огиз очмоқ, қўли эгри, қалби қора* каби), бирлашма идиомалар (*бошига тушмоқ, бошига солмоқ, кўнглини олмоқ* каби). уюшма идиомалар (*назар солмоқ, йўлга солмоқ, назардан кечирмоқ* каби) сингари уч гуруҳга ажратилади. Иборалар ҳам бу асарда лексик иборалар (*қора эл, мард юракли, она Ватан* каби), идиоматик иборалар (*қадамнинг муборак, жонинг соғ ўлсин* каби), предикатив иборалар (*Буйруқ сизникидир, одил ҳукмдор // Сизда адолатда, саховатда бор* каби), деб гуруҳланган” [18]

Кўринадики, фразеологизм ва идиомаларни фарқлаш, идиоманинг моҳияти ва паремиологияда тутган ўрнини белгилаш масаласида олимлар орасида яқдиллик йўқ ва бу мунозаралар ҳалигача давом этиб келмоқда.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да фразеологизм турлари орасидаги фарқлар кўрсатиб берилган.[19] Бунга кўра, **фразеологик бутунликда:**

фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзлар маъносига асосланади;  
 фразема таркибидаги сўзларнинг маъноси биргаликда умумий маънони ҳосил қилади;  
 фразеологик бутунликнинг ўз маъносида қўлланувчи вариантлари ҳам мавжуд бўлади. *ёғ тушса ялагудек, енг шимармоқ, хамирдан қил сугургандек, тўйдан олдин ногора чалмоқ* ва бошқалар бунга мисол бўлади.

**Фразеологик қўшилмада:**

фразема таркибидаги бир сўз кўчма маънода қўлланади;  
 фразема таркибидаги бошқа сўзлар ўз маъносини сақлаб қолади;  
 фразеологик қўшилма ҳосил қилишда кўчма маънода қўлланган сўз ўзи боғланган сўзни изоҳлашга хизмат қилади. Бунга *гапнинг тузи, қўли гул, иштаҳаси очилди* ва бошқалар мисол бўлади.

**Бизни қизиқтирган фразеологик чатишмада:**

фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзларнинг маъносига боғлиқ бўлмайди;

фраземадан англашилган кўчма маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноси билан изоҳланмайди. Бунга *тўнани тескари киймоқ, оёғини қўлига олиб чопмоқ, бошини олиб чиқиб кетмоқ* ва бошқалар мисол бўла олади.

Х.Жамолхонов шундай ёзади: “Фразеологик бутунлик билан фразеологик чатишма орасида маълум умумийлик ва тафовутлар бор. Уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Умумийлик: 1) иккаласи ҳам турғун конструкция саналади; 2) иккаласида ҳам умумлашган яхлит бир маъно (кўчма маъно) ифодаланади; 3) иккаласида ҳам услубий бўёқ (услубий сема) бўлади, чунки фраземаларнинг барчаси воқеликни номлаш билан чекланмайди, уни баҳолаш хусусиятига ҳам эга; 4) иккаласи ҳам нутқда яхлит ҳолда битта синтактик вазифада қўлланади.

Фарқлари: 1) Фразеологик бутунлик таркибидаги сўзларнинг маънолари фраземанинг кўчма маъносини изоҳлайди. Фразеологик чатишмада эса сўзлар маъноси билан фразема маъноси (фразеологик маъно) ўртасида бундай алоқа йўқ; 2) фразеологик бутунликнинг маъносида ички образ сақланади: таркибидаги сўзларга хос маънолар сезилиб турганлигидан фраземанинг маъноси кўп қиррали, бой бўлади. Фразеологик чатишма маъносининг гавдаланишида эса фразема таркибидаги сўзларнинг маънолари иштирок этмайди, шунинг учун унда ички образ сўнгган бўлади”. [20]

Профессор Ш.Раҳматуллаев эса улар орасидаги боғлиқликни қуйидагича кўрсатади:

Фразеологик бутунлик билан фразеологик чатишма учун умумий белги - уларда семантик ва грамматик синтезга интилишнинг мавжудлиги. Бунда қуйидагилар назарда тутилади: 1) Таркибида икки ва ундан ортик лексема қатнашади, 2) Яхлит бир маъно гавдаланади, 3) Таркибидаги лексемалар ўз лексик маъно мустақиллигини йўқотади, 4) Эркин боғланма билан омонимиклик ҳолатида бўлади, 5) Фраземани фақат яхлитлигича алмаштириш мумкин, 6) Нутқда яхлитлигича бир синтактик вазифада келади, 7) Бошқа тилга яхлитлигича таржима қилинади..”[21]

Кўринадикки, фразеологик чатишма идиома, яъни муайян бир тилга хос бўлиб, бошқа тилларга айнан **таржима** қилиб бўлмайдиган “думи хуржун”, “семизликни **қўй** кўтаради”, “тили бир қулоч” каби **нутқ** бирлиги ёки **ибора**ларга жуда ўхшаш. Луғатларда қайд қилинишича, идиома **сўз бирикмаларидан**: (“икки қўлини бурнига тиқиб”, “бутун маҳаллани бошига кўтармоқ”), **этимологик ва тарихий маълумот талаб этувчи сўзлардан** (“гап десанг қоп-қоп, иш десанг Кўхи Қофдан топ”, “Даққи Юнусдан қолган” ва ҳ. к.), **этимологик исботлаш, асослаш қийин бўлган сўз ва иборалардан** (“оёғини қўлига олиб”, “бити тўкилди”) иборат бўлиши мумкин. [22]

Идиомаларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг кўчма маънода қўлланишидир. Уларнинг нутқ жараёнида қўлланиши сўзловчининг нутқ объектига муносабатини ифодалаш, ўз фикрларини кўпинча имплицит тарзда қўллашига эҳтиёж туғилганда киноя, “коса тагида нимкоса” тарзида қочириқлар қилишда қўл келади. Шу боис идиомалар бадий матнларда образлилик ҳосил қилувчи муҳим воситалардан ҳисобланади. Агар идиомаларни бошқа тилларга сўзма сўз таржима қилинса, уларнинг маъноси бутунлай ўзгариб кетади. Шунинг учун шу мазмунни берувчи муқобил вариант ахтарилади. Шунинг учун идиомага маъноси таркибидаги сўзлар маъноларининг йиғиндисидан келиб чиқмайдиган сўз бирикмаларига айтилади деб изоҳ берилади. Идиоматик

иборалар, асосан, кундалик мулоқотларда қўлланилади. Бундай иборалар тезда ёдда сақланиб қолиб, ўзига функционал жиҳатдан тенг бўлади. Улар фикрларни чиройли ифодалашга ҳам хизмат қилади. [23]

Идиома масаласига бағишланган асарларда уларнинг асл маъноси давр нуқтаи назаридан ҳозир тушунарсиз бўлган, бугунги адабий тилимизда истеъмомда бўлмаган, кундалик нутқда шаклан сақланиб қолганлиги, айримлари этимологик жиҳатдан афсоналарга бориб тақалиши, дин билан ҳам боғлиқ бўлиши, даврлар ўтиши билан тобора ихчамлашиб, қисқа кўринишга келиб, барқарорлашиб қолганлиги қайд этилади. М.Х.Будикова мақол, матал ва идиомаларнинг таржима жараёнида этномаданий хусусиятларни сақлаб қолиши тўғрисида фикр юритар экан, уларнинг мажозий маъно бериши ва семантик бутунлигига эътибор қаратади:

**Бирикмаларнинг мажозий маъно бериши.** Масалан, оёқ узатмок бирикмаси кишининг вафот килганлигини билдиради, демак, бу маъно унинг таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқмаётган, балки шу бирикманинг кўчма маънода ишлатилаётганидандир. Зотан, у тўғри маънода ҳам қўлланиши мумкин.

**Бирикмаларнинг семантик бутунлиги.** Буни шундан ҳам билиш мумкинки, синтактик таҳлилда идиома бир гап бўлаги вазифасида келади. Идиома маъно томонидан сўз, шаклан - кўпинча бирикма бўлиб келади. Идиома - шаклан бўлақларга ажралмайдиган, таркибидаги сўзларнинг тўғри ва аниқ маъноси билан талкин қилинмайдиган, кўчма маъно англлатувчи барқарор сўз бирикмасидир.[24]

Олимлар сезиларли имплицит маълумотни – пресуппозиция, хулоса, дискурс имплицатураси ва шу қабиларни қамраб олган матн идиоматик бўлади деб ҳисоблайдилар. Табиийки идиоматикликни оддий тушунганда тил ўйинлари мавжудлиги кучайтиради. Бошқача айтганда, матн мазмунида қатламлар қанчалик кўп бўлса, у шунчалик идиоматик бўлади.[25]

## АДАБИЁТЛАР

1. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi Б.41.

2. Алехина А.И. Идиоматика современного английского языка. Минск: Вышэйшая школа, 1982. 279 с. Алехина А.И. Системная организация фразеологии и принципы ее фразеологического описания: (На материале русской и английской идиоматики)//Фразеологизм и его лексикографическая разработка: Сб. науч. тр. Минск: Наука и техника, 1987. С.54-59. Савицкий В.М. К определению понятия "идиома"//Текст как объект лингво-дидактического исследования и как элемент культуры: Межвуз. сб. науч. тр. СГПУ. Самара: изд. центр "Слово", 1998. С.38-42; Савицкий В.М. Основы общей теории идиоматики: Учебное пособие к спецкурсу. Самара: изд-во Самарского гос. пед. ун-та, 1999. 160 с.

3. Амосова Н.Н. О целостном значении идиомы//Исследования по английской фразеологии: Сб. науч. тр. Вып.2. Л.: Наука (ЛЮ), 1961. С.3-15.

4. Астахова Э.И. Внутренняя форма идиом и ее функции//Фразеография в Машинном фонде русского языка. М.: Наука, 1990. С.146-152.

5. Берлизон С.В. Специфика семантики фразеологической единицы и роль структурных компонентов в ее определении //Семантическая структура слова и фразеологизма. Рязань:

Рязанский гос. пед. ин-т, 1980. С.14-31.; Ерохина Н.В. Текстовые показатели идиоматичности словосочетания//Текст как объект лингво-дидактического исследования и как элемент культуры: Межвуз. сб. науч. тр. СГПУ. Самара: изд. центр "Слово", 1998. С.46-48.;Ерохина Н.В. Лингвистический статус компонентов различных видов идиом/^Сб. науч. тр. студентов, аспирантов и молодых ученых СамИИТа. Выпуск 2. Самара: СамИИТ, 1999. С.140-141;Ерохина Н.В. Структурно-функциональные корреляции у идиом/^Сб. науч. тр. студентов, аспирантов и молодых ученых СамИИТа. Выпуск 2. Самара: СамИИТ, 1999. С.141-142.

6.Добровольский Д.О., Караулов Ю.Н. Идиоматика в тезаурусе языковой личности//Вопросы языкознания. 1993. № 2. С.5-15.

7.Луконина Е.К. Идиоматическая фразеология в языке и речи: (На материале современного английского языка). М.: изд-во МГУ, 1986. 25 с.

8.Медведева О.А. Номинативные особенности устойчивых сочетаний неидиоматического характера//Фразеологическая семантика в парадигматике и синтагматике: Сб. науч. тр./ МГПИИЯ. М.: МГПИИЯ, 1984. Вып.226. С.140-142.; Медведева О.А. Основные типы семантических моделей устойчивых сочетаний неидиоматического характера в современном английском языке//Системная организация английской фразеологии: Сб. науч. тр./МГПИИЯ. М.: МГПИИЯ, 1986. Вып.262. С.98-106. Медведева Т.В. Проблема семантического моделирования идиом//Английская фразеология в функциональном аспекте: Сб. науч. тр./МГПИИЯ. М.: МГПИИЯ, 1989. Вып.336. С.102-110.

9.Шевелева Л.В. Идиоматический тип значения языковых еди-ниц//Типы языковых значений: Межвуз. сб. науч. тр. Рязань: Рязанский гос. пед. ин-т, 1986. С.81-90.

10.Черданцева Т.З. Мотивационный компонент идиомы и параметр денотации//Фразеография в Машинном фонде русского языка. М.: Наука, 1990. С.73-80.; Черданцева Т.З. Идиоматика и культура: Лингв, ис-след.//Вопросы языкознания. 1996. №1. С.58-70.

11.Маслов Ю.С. Введение в языкознание. Учебник для филологических специальностей вузов – М.: Высшая школа, 1998. С.118.

12.Диброва Е.И., Касаткин Л.Л., Николина Н.А., Щеболева И.И. Современный русский язык: Теория. Анализ языковых единиц: Учебник для вузов: В 2 ч. – Ч. 1: Фонетика и орфоэпия. Графика и орфография. Лексикология. Фразеология. Лексикография. Морфемика. Словообразование. – М., 2001. С.359-360.

13.Лекант П.А., Диброва Е.И., Касаткин Л.Л. и др. Современный русский язык. Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности «Филология»/Сост.:– М.: Дрофа, 2002. С.62.

14. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка/Смирницкий А.И. – М.: Наука, 1956. С.206.

15.Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии/Амосова Н. Н. – Л., 1963. С.72.

16.Алексеев М. Еще раз о неразрешенных проблемах фразеологии/М. Алексеев// Slavica stetinensia. – Szczecin, 1999. – № 8. С.95-96..

17. Norrick N.R. How proverbs mean : semantic studies in English proverbs/ N.R. Norrick. – Berlin ; New York: Mouton, 1985. P.3.

18..Йўлдошев Б. Фразеология тарихидан лавҳалар. – Самарканд: Сўғдиён, 1998, Б.27-82.

19. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўн икки томлик. 1X-том. -Тошкент, 2005.

309-б.

20. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2005. 210-211-бетлар. 21. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2006. 399-бет. 22. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/idioma-uz/>

24. Будикова М.Х. МАҚОЛ, МАТАЛ ВА ИДИОМАЛАР ТАРЖИМАСИДА ЭТНОМАДАНИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРНИНГ САҚЛАНГАНЛИГИ .- ХОРАЗМ МА’МУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ –МАХСУС СОН/ 2021.Б.97.

25. БАРАНОВ А.Н., ДОБРОВОЛЬСКИЙ Д.О. ИДИОМАТИЧНОСТЬ И ИДИОМЫ.- ВОПРОСЫ ЯЗЫКОЗНАНИЯ. 1996. №5. С.51.